Беш йиллиқни муддатидан илгари бажарамиз

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 224 (4430).

13 НОЯБРЬ

ШАНБА

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МИЛЛИОНЛАР ДОРИЛФУНУНИ

15 ноябрда республикамиз, шу жумладан областимиз партия маорифи шохобчаларида янги 1971—72 ўқув йили машғулотлари бошланади. Бу ўқув йилининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у барча коммунистлар, бутун совет халқининг КПСС тарихий XXIV съезди қарорларини тўлиқлигича ўзлаштириш, беш йиллик топшириқларини ҳаётга татбиқ этиш учун меҳнат ва сиёсий активлигини жўш урган ажойиб вазиятда бошланмоқда.

Партия ўқуви коммунистларнинг марксча-ленинча билимини оширишда, уларни сиёсий ва назарий жиҳатдан чиниқтиришда ғоят катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия сиёсий маориф системасини такомиллаштириш, ўқувнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмасига биноан, иттифоқ бўйича партия ўқувининг муntазам системаси таркиб топди: илгаригидек тарқоқлик ва тўгарақчилик ўрнида энди оддий, тингловчиларнинг қатъий — бошланғич, ўрта ва олий бўғин системаси ташкил этилди. Бу ҳол коммунистлар ва партиясиз активларнинг марксча-ленинча назариясини, партия тарихи ва сиёсатини мунтазам ва изчиллик билан ўрганиб боришларини таъминламоқда, партия комитетларига ўқувни ташкил этишда коммунистларнинг билим доираси, тайёргарлиги ва қизиқишларини ҳисобга олиш имконини бермоқда.

Пойтахт областининг партия ташкилотлари кейинги йилларда сиёсий маориф ишини анча яхшиладилар, коммунистларга, партиясиз ходимларга сиёсий ва назарий билим бериш соҳасида ибратли тажриба тўпландн. Биргина ўтган ўқув йилида область бўйича партия маорифининг барча бўғинларида 160 мингга яқин киши шуғулланди. Ўқув йили якунлари улуғ доҳиймиз В. И. Ленин асарлари, КПСС ҳужжатларини ўрганишга тингловчиларда қизиқиш тобора ўсиб бораётганлигини кўрсатди.

Айниқса Чирчиқ, Янгийўл, Бекобод шаҳарларида, пойтахтнинг Ленин районида марксизм-ленинизм классикларининг бой назарий меросини кенг тарғиб қилиш цухта уюштирилди. Бу жойларда Маркс, Энгельс, Ленин асарларини ўрганиш юзасидан илмий-методик конференциялар ўтказиб турилди, партия XXIV съезди ҳужжатлари юксак ғоявий-назарий савияда, янги беш йиллик план топшириқлари коллективларнинг конкрет вазифаларига боғланган ҳолда ўрганиб чиқилди.

Ўтган ўқув йилида кадрларга иқтисодий билим бериш анча яхшиланганлиги қувончли ҳолдир. Партия маорифи системасида юз мингга яқин коммунист ва партиясиз актив иқтисодий назария ва конкрет экономикани, партиянинг ҳозирги босқичдаги иқтисодий сиёсати асосларини ўрганди. 700 дан ортиқ бошланғич сиёсий мактабда 14 мингга яқин тингловчи «Иқтисодий билим асослари» курсини ўқиди. Иқтисодий билимлар умумий сиёсий тайёргарликни ошириш асосида, марксча-ленинча назариянинг таркибий қисми сифатида ўрганилди.

Сиёсий ўқувга партия раҳбарлигини яхшилаш соҳасида кейинги вақтларда кўпгина ишлар қилинди. Партия комитетлари, бошланғич ташкилотлар кадрларга марксча-ленинча таълим беришни яхшилаш, сиёсий ўқув самарадорлигини ошириш масалалари билан тез-тез қизиқиб турадиган, бу масалаларни партия комитетларида, бюро мажлисларида, коммунистларнинг умумий йиғилишларида муҳокама қиладиган бўлиб қолдилар. Айниқса Фрунзе, Ленинн, Оржоникидзе, Оққўрғон район партия комитетлари, Чирчиқ ва Ангрен шаҳар партия комитетлари сиёсий ўқувга раҳбарликни анча яхшилашга муваффақ бўлдилар.

Партия ўқувида марказий фигура ҳисобланган пропагандист кадрларнинг сифат состави йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ўтган йили сиёсий маориф шохобчаларида сакқиз мингга яқин коммунист пропагандистлик қилган эди. Бу йилги ўқув машғулотларини эса тўққиз мингдан ортиқ пропагандист олиб боради. Уларнинг 90 процентдан ортиқроғи олий ва тугалламаган олий маълумотга эга бўлиб, улар ўз ишининг моҳир устаси, кўп йиллик тажрибали, тингловчиларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган кишилардир.

Бу йил областимизда 165 мингга яқин коммунист ва партиясиз актив ўз сиёсий ва назарий билимини оширади. 1962 бошланғич сиёсий мактаб, 1348 марксизм-ленинизм асослари мактаби, 25 партия-хўжалик активи мактаби, 1838 назарий, проблемали ва методик семинардан иборат сиёсий маорифнинг кенг тармоғи тингловчилар ихтиёрида бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни яхшилаш тўғрисида»ги тарихий қарорида партия, касаба союз ташкилотларн ва хўжалик органларининг шу муҳим соҳасидаги вазифалари ва истиқболлари очиқ-ойдин кўрсатиб берилди. Янги ўқув йилида областимизда меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни кенг қўламда олиб бориш мўлжалланмоқда. Ўқув ва оммавий пропагандининг ҳамма формаларида 108 минг киши иқтисодий билимларни ўрганади.

Янги ўқув йили меҳнаткашларга марксча-ленинча таълим беришнинг, уларни тўққизинчи беш йилликнинг улуғвор режаларини рўёбга чиқариш, партиянинг тарихий XXIV съезди қарорларини бажариш учун сафарбар этишнинг энг масъулиятли босқичи ҳисобланади. Партия ташкилотлари олдида турган вазифа коммунистлар ўқувини ана шу юксак талаблар даражасида ташкил этишдан, машғулотларнинг ўз вақтида, қизиқарли ва мазмунли ўтишини таъминлаш, тингловчиларнинг давомати ва ўтилган темаларни қандай ўзлаштираётганлиги билан муntазам қизиқиб туриш, пропагандистлар малакаси ва маҳоратини тинмай ошириб бориш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Шунга эришайликки, коммунистлар ва партиясиз активлар марксизм-ленинизм назариясини, ижтимоий тараққиёт қонунларини қунт билан ўрганиб, жамиятимизнинг сиёсий етук ва билимдон кишилари бўлиб етишсинлар. Коммунистларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш партия сафларининг жанговарлик қобилиятини кучайтиришнинг асосий шартидир.

Сиёсий ўқув машғулотларини ҳамма жойда зўр уюшқоқлик ва ғоят активлик билан бошлаб юборайлик!

ПУХТА ЗАМИН

Пахта тайёрлаш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни ҳам ошириб бажарган Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозининг аъзолари келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин яратаётирлар. Пахтадан бўшаган далалар пешма-пеш сифатли шудгор қилинмоқда. Суратда: илғор тракторчи М. Сулаймонов шудгор қилаётган далалар.

А. Абалян фотоси.



ШУДГОРЛАШ ИЛҒОРЛАРИГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети районлар, колхозлар ва совхозларда 1971 йил 11 ноябригача шудгорлашнинг боришини қараб чиқдилар ва бу соҳада энг яхши кўрсаткичларга эришган илғорларга кўчма Қизил байроқ бериш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Ўрта Чирчиқ районида** (райком секретари **Аҳмедов**, район ижроия комитетининг раиси **Назаров**, қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Мирёқубов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Мелик-Карамян** ўртоқлар) қолдирилди. Район шудгорлаш планини 40,7 процент бажариб, кейинги беш кунликда 15,4 процент ўсишга эришган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидаги **Ленин номли колхозга** (раиси **Каримов**, партия ташкилотининг секретари **Ли**, бош агрономи **Тўхтаев**, бош инженери **Юсупов** ўртоқлар) берилди. Колхоз шудгорлаш планини 63,1 процент бажариб, кейинги беш кунликда 26,0 процент ўсишга эришган.

Байроқ шу райондаги Охунбобоев номли колхозидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидаги **ТИИИМСХ ўқув хўжалигига** (директори **Соттибоев**, партия ташкилотининг секретари **Ибодов**, бош агрономи **Гафуров**, бош инженери **Тошниёзов** ўртоқлар) берилди. Ўқув хўжалигида шудгор қилиш 45,4 процент бажарилиб, сўнгги беш кунликда 22,8 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Қалинин районидаги «Келес» совхозидан олиб берилди.

ШУДГОР МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Келгуси йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун амалга ошириладиган тадбирлардан бири деҳқончилик маданиятини кескин оширишдир. Шудгорлашни ва кузги-қишки агротехника ва мелиорация тадбирларини ўз вақтида ўтказиш ҳам шу кунлардаги муҳим вазифалардан биридир.

Бу йил область хўжаликлари 217 минг гектар майдонни шудгор қилишлари керак. Маккажўхори, картошка, қовун-тарвуз ва бошқа экинлардан ҳозирнинг ўзидаёқ 100 минг гектардан ортиқ суғориладиган ер бўшади. Шундан 50 минг гектарини пахта майдонлари ташкил этади.

Ҳозирги кунинг муҳим вазифаси қолган пахта ҳосилини тез ва нобуд қилмай йиғиб-териб олиб, шудгорлашни кучайтиришдан иборатдир. Бунинг учун ишни конвейер усулида ташкил этиб, барча кўсак териш, механик подборшчиклардан кечасию кундузи фойдаланиш зарур.

Агар далалар вилт билан касалланганлиги аниқланса, дарҳол бундай майдонлардаги ғўзапояларни илдизи билан юлиб ташлаш керак, бунинг учун «КВ—4» маркали ғўза корчопкасидан фойдаланиш лозим.

Келгуси йилда мўл ҳосил етиштиришда шудгорлаш олдидан майдонларга маҳаллий ўғит, фосфор ва калий ўғитларини солиш ҳам муҳимдир. Бунинг учун барча мавжуд механизмлардан фойдаланиш талаб этилади. Минерал ўғитлар далаларга бир текис тақсимланиши учун «СТН—2,8» сеялкаси, «РТТ—4,2», «РУ—4—10» ўғит сочгич механизмлари, агар улар етарли бўлмаса, одатдаги ўғитлагич механизмлардан фойдаланиш лозим.

Кузги шудгорлаш пайтида турли хил қишлоқ хўжалик зараркунада ва касалликлари уруғини қуритиш, далаларни бегона ўт илдизларидан тозалаш учун ҳам тегишли тадбирларни кўриш лозим бўлади.

Кўпгина хўжаликларда кузги шудгорлашни кам деганда 35 сантиметр чуқурликда ўтказиш талаб этилади. Шағал қумлоқ ерларда эса шудгорлашни бир мунча юза ўтказиш мумкин. Шўрни тоза ювишга эришиш учун бу ишни бошлашдан

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

олдин далаларни яхшилаб текислаб, ўғит солиш ва шудгорлаш вақтинчалик суғориш эгатларини олиш, коллектор ва зовурларни тозалаш талаб этилади.

Келгуси йилда сув камчил бўлиши эҳтимоли борлигини ҳисобга олиб, запас суғоришни ташкил этиш зарур. Биринчи навбатда, қумлоқ-шағалли, сизот сувлари чуқур бўлган ва беда экилган участкаларда запас сув бериш талаб этилади. Бундай суғоришлар кузда ва қишда ҳамда эрта баҳорда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Ғузапоянн юлиш, чуқур шудгорлаш, шўр ювиш ва яхоб бериш каби тадбирлар тупроқдаги қишлоқ хўжалиги зараркунандалари тухумини камайтиришга катта таъсир кўрсатади.

Областдаги илғор хўжаликлар шудгорлашнинг сифатига катта аҳамият бермоқдалар. Ишнинг сифатига қараб, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳар бир гектар майдонга тўрт сўмдан тортиб 5 сўм 40 тийингача тўғри келмоқда. Шудгорда ишлаётган трактурчиларга ҳам ҳақ тўлашда ишнинг сифатига алоҳида эътибор бериш, масалан норма бажаргани учун 4 сўм тўланса, сифатли бажаргани учун 2 сўм қўшиб беришни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» ва «Политотдел» колхозларида 10 сўм 40 тийингача ёки ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 7,7 сўмдан, Оққўрғон районидаги Свердлов номли, Ленин номли колхозларда эса 8—10 ёки ўртача ҳар гектар ер ҳисобига 4,4 ва 5,5 сўмдангача ҳақ тўланмоқда.

Кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб план ва мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга замин яратишнинг гаровидир.

Т. ОРТИҚХЎЖАЕВ,
область қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи.

Д. МОЛЧАНОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном.

С. КЛИМКИН,
область қишлоқ хўжалиги бошқармаси бош инженери.

ЕР ҲАЙДАСАНГ—КУЗ ҲАЙДА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 12 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — шудгорлаш процентн

Юқори Чирчиқ	80,3
Калинин	69,5
Оржоникидзе	68,0
Бўстонлиқ	56,4
Ўрта Чирчиқ	46,5
Оққўрғон	43,7
Оҳангарон	36,5
Бўка	32,1
Янгийўл	30,0
Пискент	29,3
Бекобод	20,8
Область бўйича	42,3



УЛКАН ХИРМОН УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 12 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун —бир кунда тайёрланган, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — шу жумладан машина билан бир кунда терилган пахта, бешинчи стун –мавсум бошидан бери.

Пискент	0,06	123,96	0,04	104,80
Оққўрғон	0,08	120,91	—	111,64
Бўка	0,22	120,31	0,13	108,36
Юқори Чирчиқ	—	119,92	—	159,47
Ўрта Чирчиқ	0,06	116,11	0,01	102,01
Янгийўл	0,14	114,17	0,17	86,30
Бекобод	0,07	108,21	—	87,40
Область бўйича	0,10	117,18	0,05	104,83

Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министрлигига қарашли Тошкент Давлат ихтисослашган конструкторлик-технологик бюросида миллий кийимлар, шарқ гиламлари, керамика ва сўзаналарнинг янга яқин намуналари ишлаб чиқилмоқда. Суратда: бюро ходими Тамара Пиримқулова янги гилам орнаментини ишлаб чиқмоқда.

А. ГОРОКРИК фотоси, (ЎзТАГ).

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети давлатга сабзавот-полиз маҳсулотлари ва картошка сотиш бўйича областлар, районлар, колхоз ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1971 йил 1 ноябрга бўлган якунларини қараб чиқиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Кўчма Қизил байроғини қуйидагиларга беришга қарор қилдилар:

Тошкент областига (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Мусахонов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Асомов**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ортиқхўжаев**, совхозлар трестининг директори ўртоқ **Аракельян**, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича давлат бош инспектори ўртоқ **Баҳромов**, область матлубот жамиятининг раиси ўртоқ **Хўжаев**) берилди. Бу область сабзавот тайёрлаш планини 114,3 процент, шу жумладан карамни—87,2 процент, пиёзни — 174 процент, бодрингни — 81,3 процент, ош лавлагини — 186,8 процент, помидорни —101,6 процент, сабзини — 36,3 процент, бошқа хил сабзавотларни — 141,4 процент, картошкани — 83,7 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлаш планини 107,8 процент бажарган. Қизил байроқ Андижон областидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ Тошкент областининг **Калинин районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Камолов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Тошхўжаев**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Асадов**, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича давлат бош инспектори ўртоқ **Халилов**, район матлубот жамияти тайёрлов конторасининг директори ўртоқ **Охунов**) берилди. Бу район сабзавот тайёрлаш планини 106 процент, шу жумладан карамни — 102 процент, пиёзни — 108 процент, помидорни — 103 процент, бодрингни — 102 процент, сабзини— 58 процент, ош лавлагини — 226 процент, бошқа хил сабзавотларни — 143,5 процент, полиз маҳсулотларини — 105 процент, картошка тайёрлаш планини — 110 процент бажарган. Қизил байроқ Наманган областининг Янгиқўрғон районидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ Тошкент областидаги Калинин районининг **«Ленин йўли» колхозига** (колхоз раиси ўртоқ **Муҳаммеджонов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Муҳамедов**, бош агроном ўртоқ **Боймуҳамедов**) берилди. Бу колхоз сабзавот топшириш планини 122 процент, шу жумладан карамни — 226 процент, пиёзни — 106 процент, помидорни — 105 процент, бодрингни — 127 процент, сабзини — 67 процент, бошқа хил сабзавотларни—101 процент, полиз маҳсулотларини—109 процент, картошка топшириш планини — 123 процент бажарган. Байроқ Тошкент областидаги Бўстонлиқ районининг «Ленинград» колхозидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ Қорақалпоғистон АССРдаги Нукус районининг **«Нукус» совхозига** берилди.

Кўчма Қизил байроқ Тошкент областидаги Калинин районининг **«1-Назарбек» совхозига** (совхоз директори ўртоқ **Расулов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Дўстчонов**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Қодиров**, бош агроном ўртоқ **Хандьязан**) берилди. Бу совхоз сабзавот топшириш планини 103,2 процент, шу жумладан помидорни — 102,9 процент, пиёзни — 114,6 процент, сабзини—48,5 процент, бодрингни — 125,5 процент, бошқа хил сабзавотларни — 77,7 процент, картошкани,— 128,4 процент, полиз маҳсулотлари топшириш планини — 100 процент бажарган. Байроқ Қашқадарё областидаги Китоб районининг «Китоб» совхозидан олиб берилди.

Бўстонлиқ, Оржоникидзе, Самарқанд ва Фарғона районларининг сабзавот, полиз маҳсулотлари ва картошка тайёрлашда яхши ишлаганликлари таъкидланди.

МАРКСЧА—ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ МАКТАБИ

15 НОЯБРДА СИЁСИЙ МАОРИФ ШОХОБЧАЛАРИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНАДИ

Коммунистларга марксча-ленинча таълим бериш — фақат ўз кўлами жиҳатидангина эмас, балки биринчи галда ўз ғоявий-сиёсий аҳамияти жиҳатидан ҳам улкан ишдир. Вазифа бундан буён ҳам ана шу ишни яхши йўлга қўйишдан, сиёсий ўқувни коммунистик қурилишнинг конкрет вазифалари билан чамбарчас боғлаб олиб боришдан, бундай ўқишнинг барча партия аъзоларининг онги ва активлигининг ўсишига жиддийроқ таъсир кўрсатишига эришишдан иборатдир.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

КАДРЛАРНИ ҒОЯВИЙ ЧИНИҚТИРАМИЗ

КПСС XXIV съездида таъкидланганидек, коммунистларнинг ғоявий жиҳатдан чиниқишлари партиямиз сафлари жанговарлик қобилиятини оширишнинг энг зарур шартидир.

Партия олға сурайётган барча масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши даставвал кадрларга, уларнинг ғоявий-сиёсий тайёргарлигига боғлиқ эканлиги сир эмас. Шу боисдан ҳам районимиз партия ташкилоти кадрларни ғоявий-назарий жиҳатдан чиниқтиришга, уларни марксча-ленинча революцион таълимот билан қуроллантириб боришга, партиямиз ички ва ташқи сиёсатини кенг пропаганда қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Бу вазифаларни ҳал этишда сиёсий тўгараклар муҳим роль ўйнамоқда.

Сиёсий маориф шохобчаларида уч босқичли янги ўқув системасининг жорий этилиши сиёсий ва иқтисодий билимларни омма онгига чуқурроқ сингдиришда қўл келмоқда. Ўтган йили колхоз ва совхозларда, корхона ва муассасаларда 170 та сиёсий тўгарак ишлади. Район партия комитети бошланғич партия ташкилотлари таклифлари асосида бу йил тўгараклар сонини яна ҳам кўпайтирди. Янги ўқув йилида 3373 киши ўз сиёсий ва иқтисодий билимини оширишга киришади. Тингловчилардан 2274 киши коммунистдир.

Ўтган ўқув йилининг охирида тингловчилар асосий программа материаллари қатори янги беш йиллик Директиваларн лойиҳасини ва кейинроқ КПСС XXIV съезди материалларини ўрганишга киришган эдилар. Съезд материалларини кенг пропаганда қилишда «Политотдел» колхози пропагандисти М. Хван, «Гулистон» колхози пропагандисти С. Хусомиддинов, «Ленинский путь» колхози пропагандисти В. Ким ва бошқа ўртоқлар алоҳида ғайрат ва ташаббус кўрсатдилар. Улар ўз суҳбатларида тўққизинчи беш йилликда районда рўй берадиган улкан ўзгаришларни ҳам қўшиб гапирдилар. Тингловчилар эътиборини партия қўйган улкан вазифаларга қаратдилар.

Кадрлар сиёсий тайёргарлигини оширишда «Паркент» совхози партия ташкилоти ибратли тажриба тўплаган. Совхоз кадрларининг барчаси сиёсий ўқувга тўла жалб этилган. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш устида коммунистларнинг ўзлари қайғурмоқдалар. Тўгаракларда навбатдан ташқари синов соатлари ўтказиш яхши самара бераяпти. С. Валиев, Н. Расулов, М. Мирҳаётов каби пропагандистлар машғулотларда турли хил формалардан ижодий фойдаланмоқдалар.

Район партия комитети, район сиёсий маориф уйи сиёсий ўқув самарадорлигини ошириш ва пропагандистларни тарбиялашга ҳар доим алоҳида эътибор билан қараб келмоқда. Пропагандистларнинг семинарлари вақти-вақти билан ўтиб турибди. Семинарларда пропагандистларни қизиқтирган муҳим масалалар атрофлича муҳокама қилинмоқда, илғорлар тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда. Бундан ташқари, сиёсий маориф уйида ташкил этилган методик совет аъзолари ҳам жойларда тез-тез бўлиб, пропагандистларга яқиндан кўмаклашмоқдалар. Улар иштирокида очиқ машғулотлар уюштириш, илғор пропагандистлар тажрибасини оммалаштириш одат тусига кириб қолган.

Жойларда сиёсий ўқувнинг қандай ташкил этилаётганлиги ҳақидаги масалалар райком бюросида тез-тез муҳокама қилиб борилмоқда.

Район партия комитети кундалик воқеалардан барчани тўла хабардор қилиб бориш мақсадида бу йил 104 та халқ сиёсий мактаби ташкил этди. Бу мактабларга 3555 колхозчи ва совхоз ишчиси жалб этилди. Тингловчилар асосан КПСС XXIV съезди материалларини пухта ўрганиш билан банд бўлдилар. Машғулотлар давомида съезд қарорларини ҳаётга тўла тадбиқ этиш юзасидан қимматли фикрлар тушди.

Партия маорифи системасидаги бу йилги ўқув алоҳида аҳамият касб этмоқда. Тингловчилар асосий программа қатори съезд материаллари ва бошқа хил муҳим сиёсий ҳужжатларни ҳам пухта ўрганишга киришадилар. Бунинг учун биринчи навбатда пропагандистларнинг ўзлари етарли тайёргарликка эга бўлишлари зарур. Шу мақсадда кўпгина пропагандистларимиз Тошкент сиёсий маориф уйи ҳузурида малака ошириш семинарида қатнашдилар. Уларга янги ўқув йилида бажарилиши лозим бўлган вазифалар аниқ қилиб тушунтириб берилди. Бундан ташқари районнинг ўзида ҳам бир неча бор семинар уюштирилди.

Кадрлар сиёсий онглилигининг ошиши ўз ижобий самараларини бермоқда. Оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларнинг нанунали йўлга қўйилаётганлиги туфайли район меҳнаткашлари бу йил ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Барча соҳада план топшириқлари ортиғи билан адо этилди. Сиёсий тўгарак тингловчилари бундан буён ҳам бошқаларга ўрнак бўлиб, меҳнатда ва ҳаётда янги-янги зафарларни қўлга киритаверадилар.

И. СУЛТОНОВА,
Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари.



Партия сиёсий маориф шохобчаларида ўқувларнинг уюшқоқлик билан, ўз вақтида ҳамда қизиқарли ва мазмунли ўтказилиши пропагандист кадрларнинг маҳоратига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам партия ташкилотлари ҳар йилдагидек бу йил ҳам пропагандист кадрларни танлашга алоҳида аҳамият бердилар. Суратда: областимиздаги илғор пропагандистлардан бир группаси (чапдан ўнгга) Бекобод шаҳридаги сут заводидан С. Султонов, Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозидан Н. Кузенбоев, шу райондаги Куйбишев номли колхоздан Г. Цой, Бўстонлиқ районидаги 12-мактабдан Д. Османов, Бўка районидаги 45-мактабдан Х. Ғафуров, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозидан Н. Тягай, Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоздан И. Давронова ўртоқлар.

А. МАЛЬЦЕВ фотоси.

ҲАММА НАРСА ТАХТ

Коммунистларга марксча-ленинча таълимот бериш—фақат ўз кўлами жиҳатидангина эмас, балки биринчи галда ўз ғоявий-сиёсий аҳамияти жиҳатидан ҳам улкан ишдир, деб уқтирилди КПСС XXIV съездида.
Бошланғич партия ташкилотлари коммунистлар ва партиясиз активлар сиёсий ўқувига йил сайин жиддийроқ эътибор бериб жуда ҳам тўғри қилмоқдалар. Жойлардан олинган ушбу хабарларда 1971—1972 ўқув йилига пухта ҳозирлик билан келаётган илғор коллективларнинг ибратли тадбирлари ҳақида ҳикоя қилинади.

ТОШКЕНТ

— Сиёсий билимларга бўлган қизиқишнинг йил сайин ошиб бораётганлиги беҳтиёр кишини қувонтиради, — дейди **Куйбишев район сиёсий маориф кабинети мудири З. ЖАНОЕВА.**— Бу йил ўтган йилга нисбатан анча кўп — 12 мингга яқин ишчи ва хизматчи, партия тарихи, В. И. Ленин биографияси, сиёсий ва иқтисодий билим асосларини ўрганишга киришади.

Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида тузилган 52 та бошланғич сиёсий мактабга 1457 киши жалб этилган. Тингловчилардан 767 киши коммунистдир. Улар доҳий биографиясини ўрганиш билан бир қаторда КПСС XXIV съезди материаллари юзасидан ўтказиладиган машғулотларда ҳам қатнашадилар. 150 та мактабда эса марксизм-ленинизм асослари, коммунистик қурилиш проблемалари ўрганилади. Бу мактабларнинг 3536 тингловчиси бор. Уларнинг аксарияти коммунистлардир.

В. И. Ленин асарлари, марксизм-ленинизм проблемалари ўрганиладиган назарий семинарлар сони бу йил 212 тага етказилди. Семинар машғулотларида 5174 киши қатнашади. Машғулотларнинг 83 таси бевосита КПСС XXIV съезди материалларини ўрганишга бағишланади.

Район партия комитети раҳбар ходимлар малакаси ва сиёсий билимини оширишга ҳам алоҳида эътибор беряпти. Янгидан ташкил этилган иқтисодий билим асослари мактабида юзга яқин партия ва хўжалик раҳбари билим олади. Машғулотларни олимлар, партия ва совет ходимлари олиб борадилар.

Умуман, машғулотларни ўтказувчи пропагандистларнинг барчаси яхши сиёсий тайёргарликка эга бўлган кишилардир. Уларнинг аксарияти шаҳар кечки марксизм-ленинизм университетини тамомлаб чиқишган.

ЎРТА ЧИРЧИҚ

Хўжаликни намунали бошқармоқ учун биринчи галда иқтисодий билим асосларини пухта эгалламоқ керак!

Янги ўқув йилида саноат корхоналари ва муассасаларда ўнта иқтисодий билим асослари мактаби фаолият кўрсатади. Колхоз ва совхозларда эса 8 та, ўрта мактабларда 2 та шундай мактаб ташкил этилди. Машғулотларни иқтисодий билимга эга бўлган мутахассислар олиб борадилар. Улар орасида Куйбишев номли колхоз бош экономисти У. Ойнақулова, А. Икромов номли колхоз бош экономисти И. Холбоев, «Ташводстрой»га қарашли автобаза директори А. Павленко, металл конструкциялари заводи инженери В. Ким ва бошқа ўртоқлар бор.

— Янги ўқув йилида район бўйича 131, пропагандист тингловчилар билан машғулотлар олиб боради, — дейди **район партия комитетининг секретари У. ЙЎЛДОШЕВ.** — Ўқув йили бошланиши арафасида пропагандистлар семинарини ўтказдик. Семинарда бир қатор темаларда мазмунли лекция тингланди, пропагандистларга қўлланмалар берилди. Илғор пропагандистлардан: 10-мактаб ўқитувчиси Раҳбар Умрзоқова, темир-бетон буюмлари заводи инженери Георгий Ким, «Коммунизм» колхози аъзоси Эргаш Султонов ўртоқларнинг тажрибасидан ҳикоя қилувчи махсус варақа чиқардик. Улар тажрибасидан ёш пропагандистлар ҳам баҳраманд, бўлсин, деган ниятда шу тадбир амалга оширилди. Район газетасида эса маҳаллий фактларни ўз ичига қамраб олган методик бюллетень эълон қилинди.

Район бўйича 44 та бошланғич, 78 та ўрта ва 12 та олий звено мактабларида 2,5 мингга яқин тингловчи бу йил ўз сиёсий ва иқтисодий билимини оширади. Ўқув давомида турли жойларда экскурсиялар уюштирилади, амалий машғулотлар ўтказилади.

ЯНГИЙЎЛ

— Пропагандист сиёсий ўқув самарадорлигини оширишда асосий фигура ҳисобланади, — дейди **шаҳар партия комитетининг секретари О. АБДУЛЛАЕВА.** — Шу боисдан ҳам биз пропагандистлар, тўгарак раҳбарларини танлашга ва тарбиялашга кўпроқ эътибор бермоқдамиз.

Бу йилдан бошлаб шаҳардаги биохимия заводи, пойафзал фабрикаси, кондитер-ачитқи бирлашмаси каби йирик саноат корхоналарида жамоатчилик асосида ишловчи сиёсий маориф кабинетлари ташкил этилди.

Янги ўқув йилида 120 пропагандист тўгаракларга раҳбарлик қилади. Пропагандистлардан юз киши олий маълумотга эгадир. Улар бу соҳада етарлича тажриба орттиришган. Пропагандистлар сиёсий ва иқтисодий билимларни намунали пропаганда қилаётганлиги учун ҳам тингловчилар сони йил сайин ошмоқда. Янги ўқув йилида тингловчилар салкам 400 кишига кўпайди. Фақат бошланғич-сиёсий мактабларнинг ўзида мингга яқин киши таълим олади.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАНГ

Партиямиз Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни яхшилаш тўғрисида»ги қарори эълон қилингач, корхонамизда бу масалага алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Айниқса ёш ишчиларнинг иқтисодий билимини оширишга эътибор кучайтирилаётганлиги қувончли ҳолдир.

Ҳозирги вақтда бизда кадрларнинг иқтисодий тайёргарлигини оширишнинг қатъий системаси вужудга келтирилган. Бу иш асосан партия маорифи системасида, комсомол ўқуви тўгараклари ва семинарларида, оммавий пропаганда орқали, шунингдек ишлаб чиқариш таълими мактабларида олиб борилмоқда.

Бу йил мен иккинчи марта комсомол сиёсий тўгарагида «Социалистик экономика асослари» курси бўйича машғулотлар олиб бораман. Ўтган йилги машғулотлардан шу нарсани аниқ пайқадимки, ёш тингловчиларда иқтисодий билим асосларини эгаллашга, машғулотларда олинган билимларни амалий ишда қўллашга қизиқиш катта бўлди.

Тўгарагимиз асосан ёшлардан, яқиндагина ўрта мактабни тугатиб келган йигит ва қизлардан ташкил топган. Табиийки, уларнинг аксарияти ишлаб чиқаришни бизнинг корхонамизга келиб кўришган, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги сингари сўзларни эшитишган бўлса ҳам маъносини яхши тасаввур қилаолмас эдилар. Шу сабабдан аввал тингловчиларга пухта билим бериш, сўнгра эса амалий машғулотларга ўтишга тўғри келди.

«Меҳнат унумдорлигини ошириш — туб иқтисодий вазифа» темасини ўтаётганимизда биз ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини оширишнинг резервлари ва бу резервларни ишга солиш учун нималар қилиш зарурлиги ҳақида қизғин мунозара уюштирдик.

Амалий машғулотлар тингловчиларга ўтилган темаларни пухта ўзлаштиришлари учун ёрдам беради. Назария амалиёт билан боғлансагина ўқувнинг самарадорлиги ошади. Шу ўринда айрим мисолларни айтиб ўтмоқчиман.

Тўгарагимиз тингловчиси В. Юсуповга пресс ва автоматларда пайвандлаш режимини такомиллаштириш ҳақида ўйлаб кўришни таклиф этдик. Чунки, автоматда нормадан ташқари бракка йўл қўйилаётган эди. Борис топшириқ устида ишларкан, ишчи схемасидаги айрим деталларни ўзгартирди. Натижада пайвандлаш режими яхшиланди, брак проценти камайди. Тингловчилардан С. Коровин ва А. Васильев герметизация автоматларининг унумдорлигини ошириш устида бош қотирдилар. Улар дискни алмаштириб, приборларнинг чиқиш тезлигини оширдилар. Яна шу нарса қувончлики, ўқув йилининг охирига келиб, тингловчиларимизнинг ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги активлиги анча ўсганлиги кўзга ташланди.

Бу йилги ўқувга ҳам пухта тайёргарлик кўрдик. Зарур адабиётлар сотиб олдик, тингловчилар составини аниқлаб чиқдик. Биринчи машғулотимиз Ленин дарси бўлади. Биз унда «Беш йиллик — менга, мен — беш йилликка» шиори остида партиямиз XXIV съезди илгари сурган асосий вазифалар ҳақида батафсил гаплашиб оламиз.

Ғ. ЗИГАНШИН,
Тошкентдаги электрон техникаси заводи комсомол сиёсий тўгарагининг пропагандисти.



Ғазалкент. Бўстонлиқдаги В. И. Ленин номли 20-мактаб коллективи ҳам сиёсий маориф шохобчаларида партия ўқувини муваффақиятли бошлашга пухта тайёргарлик кўрди. Суратда: мактаб директори Т. Баратов машғулотнинг бошланиши олдидан тингловчилар билан суҳбат ўтказмоқда.

И. ПОРТНОВ фотоси.

СЕМИНАР ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Яқинда Пискентда партия, комсомол ташкилотлари секретарлари ва пропагандистларнинг семинари бўлиб ўтди.

Семинарда Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти доценти, иқтисод фанлари кандидати А. Ш. Шомуротов, шарқшунослик институти илмий ходими М. Нишонов, район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Х. Убайдуллаев, райком ходими А. И. Лим, район комсомол комитетининг секретари Х. Жўраева, қишлоқ хўжалик ходимлари район касаба союз комитетининг раиси И. Пўлатов ўртоқлар «Ҳозирги даврда КПССнинг иқтисодий сиёсати», «КПСС XXIV съезди ва коммунистларга марксча-ленинча таълим бериш», «КПСС XXIV съезди ва ВЛКСМнинг XVI съезди қарорлари асосида комсомол сиёсий ўқувини янада яхшилаш», «Коммунистик меҳнат мактаблари ишини яхшилашда касаба союз ташкилотларининг роли», «КПСС XXIV съезди қарорлари асосида пропагандист кадрлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан партия ташкилотларининг вазифалари» ҳақидаги докладларни тингладилар.

Семинар ишига район партия комитетининг биринчи секретари С. Воҳидов якун ясади.

ПРОПАГАНДИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ИККИНЧИ КАСБ

Бугун у ярим тунгача иш билан машғул бўлди: биринчи дарсга тайёргарлик кўриб, тегишли адабиётларни кўздан кечирди, газета-журналларни варақлаб, муҳим янгиликлардан хабардор бўлди. Ахир, ишнинг бошидан пухта бўлгани яхши-да! Буни у ўз тажрибасидан яхши билади. Пропагандист биринчи машғулотни қанчалик қизиқарли ўтказса, тингловчилар навбатдаги машғулотларга шунчалик актив қатнашаверадилар.

Ҳориф Сулаймонов шу ҳақда ўйларкан, бир воқеа эсига тушиб кетди.

Пропагандист қилиб тайинланган дастлабки кунлар эди. У Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оламшумул аҳамияти ҳақида суҳбат ўтказди. Лекин, суҳбат тингловчиларни қаноатлантирмади. Бундан ўзи ҳам анча ҳижолат чекди. Дарс тугагач, нега бундай бўлди экан, деб хаёл суриб қолди. Шунда партком секретари кўнглини кўтарди:

— Агар ҳар бир машғулотим қизиқарли ўтсин, десанг,— деди у,— темани маҳаллий фактлар билан тўлдиргин, сенда шу камчилик сезилди. Ахир, колхозимиз кишилари Улуғ Октябрь туфайли катта бахт-саодатга эришдилар. Ўтган давр ичида хўжаликни юксалтиришда талай ютуқлар қўлга киритилди. Шулар ҳақида ҳам суҳбатда гапириш керак эди.

Сулаймонов ўз фаолиятида ҳамиша ана шу гапларга амал қилиб иш тутиб келмоқда. У Калинин районидаги Собир Раҳимов номли колхоздаги 14-мактабда ўқитувчилик қилади. Пропагандистлик эса унинг учун иккинчи касб. Мана ўн беш йилдирки, у иккинчи касбда ҳам халқ ҳурматини қозониб келаётир.

Ўтган йили марксизм-ленинизм асослари мактабида машғулотлар ўз вақтида ва мазмунли ўтиб турди. Бунда пропагандист Ҳориф Сулаймоновнинг хизмати каттадир. Деярли ҳамма тингловчилар машғулотларни пухта ўзлаштиришди. З. Сайфиддинов Б. Эргашева, Н. Кенжаев, Д. Мўминжонов каби ўнлаб коммунистлар олган билимларини амалда муваффақиятли қўлланиб, ишлаб чиқаришда ҳам яхши ютуқларни қўлга киритдилар.

Моҳир пропагандист бу йил ҳам марксизм-ленинизм асослари мактабида дарс беради.

ИХЛОС ВА МАҲОРАТ

— Раҳмат, Нуриддин, барака топ.

Ҳар гал машғулот тугагач, тингловчилар Нуриддинга мана шундай самимий сўзлар билан миннатдорчилик билдирадилар.

Нуриддин Шамсиддинов Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхоздаги 63-мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлайди. У мактабда таълим-тарбия ўқув ишларини яхши йўлга қўйиш билан бирга пропагандист сифатида ҳам катта обрў қозонди. Ўтган олти йил давомида катта тажриба тўплади.

У ҳар бир машғулотни бошлашдан олдин икки-уч тингловчидан, олдин ўтилган мавзу ҳақида сўрайди, сўнг ўзи уларнинг сўзларига якун ясайди. Албатта, кўргазмали қуроллардан фойдаланишни унутмайди. Ҳар бир тингловчи ўтилган тема юзасидан конспект олиб боради.

Сиёсий ўқувнинг бундай тартибда йўлга қўйилиши самарали бўлмоқда. Тингловчилар ўтилган темаларни пухта ўзлаштирмоқдалар. Бундан ташқари, тингловчилардан бири ҳар бир машғулот олдидан халқаро темада бир ҳафталик воқеаларга обзор беради. Бу ҳам тингловчиларнинг машғулотларга бўлган қизиқишини оширмоқда.

Н. РИХСИЕВ.

ЕЗУВЧИ КУНДАЛИГИДАН

МАНГУ ТУҲФА

Бу чўл бамисоли кафтдек тептекис. Лекин олисга гоят тез борадиган бўлсангиз чўл пича қабариб чиққанга ўхшаб кетади. Қабариғи шунчаликки, планетамиз бора-бора соққа шаклига кириши мумкин. Бош йўл учиш майдончасига ўхшаб кетади. Унинг икки чеккаси уфққа қадар пахтазор.

Мен Наманган областига бора туриб, қирқ километрга чўзилиб кетган ана шу «кўча»дан кечаёқ ўтгандим. Қадимги одамлардан кимдир мушук томма-том ўтиб, бир шаҳардан иккинчи бир шаҳарга етиб боради деган экан. Бу ерда бўлса ҳамма нарса бошқача. Гумбазини ўт босиб кетган кўхна мозорлар йўқ, лайлаклар асрлар мобайнида уя қўйиб келган осмон ўпар миноралар ҳам йўқ. Бу жойлар мутлақо янги ер. Бу ернинг муаммолари ҳам янги.

Қадимги вақтларда суғориладиган деҳқончилик тупроқнинг шўр босиб кетишига, ҳосилнинг пасайиб кетишига олиб келганлиги маълум. Мирзачўлда ҳам ерни суғориб деҳқончилик қилинади. Бунинг устига шўрхок, сизот сувлар ер юзасига яқин туради. Сал бепарво бўлсанг, ернинг шўри юзага чиқиб қолади, чарақлаб турган қуёшда оппоқ туз ялтирайди. Шунинг учун ерда бу ҳол хушёрлик билан кузатилиб, Мирзачўлда бир неча йилдан буён ҳосил кўтарилмоқда.

... Ҳали теримга тушилмаган бўлса ҳам, гўё терим арафаси бўлса ҳам расман терим мавртининг биринчи куни эди. Одамлар енгларини шимариб атрофга боқишди: атроф жуда соз-терим маврути орадан бир неча кун ўтгач бошланади. Ҳозирча тош йўлда яп-янги зангори пахта териш машиналари кўзга ташланади. Бу машиналарнинг «хартумлари» ерга энгганда, елкаларига бўлса пахта тўпланадиган бункерларни кўтариб олишган.

— Машиналар филга ўхшайди, — дедим шоферга қараб.

У гапимни маъқуллаб бош қимирлатиб дейди:

— Булар фақат зангори филлар,— у ҳақиқий механик сифатида яна қўшимча қилди:— вертикал шпинделли филлар конструкцияси соз.

Пахта терадиган комбайнларни яратишга уринилганини мен ёшлигимданоқ эслайман. Масалан, вакуумли-пилдиракка ўрнатилган пилесос бўлган эди. Теримчилар шлангини кўтариб, унинг оғзини чаноққа тутишарди. Ҳозирги машина нақадар оддий ва ихчам ишланган! Бир қаралда оддийга ўхшаб кўринади. Пахта терим машинасини яратишда инженерларнингина эмас, балки кимёгарларнинг, селекционерларнинг, агрономларнинг ҳам катта хизмати бор.

Биз тўртовлон машинадамиз. Уч киши Мирзачўл соҳиблари, мен меҳмонман. Менга бу ерда ҳамма нарса манзур, бу мезбонларга ҳам ҳуш келади. Мен бўлсам уларга навбатдаги саволни берар эканман, мезбонларнинг юзлари серташвиш кўринади. Менга уларнинг ростгўйлиги, очиқ кўнгиллиги ва талабчанлиги ёқади. Дастлаб, уларнинг меҳнат ва турмуш шароити тўғрисида, кадрларнинг кўнимсизлигига қарши кураш тўғрисида ўйлаётганликлари ҳуш келади. Бу ерда шу ҳақда жиддий ўйлашади, ёзишади, гапиришади. Янги-янги муаммолар туғилади. Масалан, дўстлик район партия комитетининг биринчи секретари Р. Ҳусанов совхозларда маиший комбинатларни қуриш планини ўзгартиришни энг муҳим иш деб ҳисоблайди. Бу комбинатларни шундай қуриш керакки, чўлқуварлар унинг хизматидан бамисоли шаҳар аҳолисидек фойдалана олсин.

— Бизда,— деди у,— олий ўқув юртлари билан техникумларда сиртдан таълим олаётган кишилар кўпаймоқда. Демак, маданият саройи ҳузурида оддий кутубхона эмас, балки қироатхонаси бор кутубхона, муайян, сиёсий, бадиий ва махсус адабиёт фонди бор кутубхона бўлиши керак.

Кўряпсизми, ҳозир нима тўғрисида гап боряпти.

Ўзбекистонда ким билан гаплашманг, ҳамманинг фикри-зикри асосий қишлоқ хўжалик экини — пахта билан банд.

«4.400 минг тонна пахта! «бу сўзни уй-жойларда, мактаб ва театрларда, санаторийларда, машинасозлик заводида ўқиш мумкин. Ҳатто тунда неон чироқлари порлаганида мажбуриятнинг ана шу рақамлари кўкда ҳам порлаб туради. Республика мамлакат олдида сўз бериб 4 миллион 400 минг тонна пахта берамиз, деб ваъда қилган.

Москвага, ёҳуд унга бориб келган ҳар бир студентми, ўқувчими, Европа бўйлаб кезиб юрган саёҳатчими, олимми — ҳар бир ўзбекдан Ўзбекистонда пахта қалай деб сўрасангиз, ҳеч ким бу саволни жавобсиз қолдирмайди.

Ўзбекистонда кўпдан-кўп ташбиҳлар орасида «серқуёш», «гуллаб-яшнаган», «ажойиб» деган сифатлар учрайди. «Тошкент — нон шаҳри» деган сўз бирикмаси ҳар бир кишининг хотирасида яшайди. Менинг учун урушда солдатлар жиндак дам олиш пайтида, ўрмон кесувчилар тайгада, партизанлар немисларнинг ичкарисида Тошкентни ёниб турган олов-оташга ёки катта гулханга ўхшатганликлари унутилмасдир. Улар ардоқлаб «Тошкент, Тошкент!» дер эдилар.

Мен Домодедоводан учиб кетаётганимда бу ерда ҳарорат тўрт даража эди. Тошкентда 33 даража, Мирзачўлда 36 даража иссиқ эди.

Биз асфальтланган кенг йўлдан бошқа худди шунақа кенг йўлга бурилиб, совхоз посёлкаси территориясига йўл олдик. Икки қаватли типовой, бир-бирига ўхшаш, лекин эскироқ уйлар. Механизация билим юртини, ҳаммом, баланд трубали кирхона, қизил гиштдан қурилган контора биноси. 26-совхоз кўрикдаги оддий хўжаликлардан бири. Тўғри, бу совхоз мамлакатда энг йирик совхозлардан бири ҳисобланади. Хўжаликда 160 та пахта териш машинаси бор, далада ишлайдиган ҳар бир ишчига ҳозирги вақтда 10 гектардан ер тўғри келади. Улуғ Октябрь байрамига қадар совхоз 16 минг тонна-планга қўшимча 4900 тонна пахта топширишга ваъда берган.

Менга бу ҳақда совхоз партия комитетининг секретари Э. Расулов гапириб берди. У совхознинг тарихи тўғрисида, эгатларнинг қатор ораларини кенг олиб пахта етиштиришни комплекс механизациялаш ҳақида гапириб берди. Лекин Э. Расулов кўпроқ одамлар тўғрисида, аслини олганда бу ерда индустриал пахтачилик йўлга қўйилиб келаётганлиги ҳақида, яна бир бошқа муҳим жараён содир бўлаётганлиги — деҳқон индустриал ишчига айланиб бораётганлиги тўғрисида сўзлаб берди. Ҳа, худди индустриал ишчига айланмоқда. Кечаги деҳқонлар мана шу ернинг ўғинасида бугун токарь, слесарь, электрик, аппаратчи бўлиб етишмоқдалар. Бу ўринда машина-мелиоратив отряд, транспорт бўлими ишчилари тўғрисида гап гапирмасанг ҳам бўлади. Пахта териш машиналарининг механиклари — булар билимдон кишилардир.

— Илгари ернинг ҳокимлиги деҳқоннинг қўлини тутиб туради дейишарди, деди Э. Расулов.— Энди янги кишилар пайдо бўлиб, янги ер яратишди. Тўғри, янги ернинг ўзи кишиларнинг қиёфасини ўзгартирмоқда.

Секретарь — партия ишида янги ишлаётганлиги йўқ, илгари райкомда ишлаган. Кўринишидан у ҳали жуда ёшга ўхшаб кетади. Директор ўринбосари ҳам, ишчилар комитетининг раиси ҳам, механизация билим юртининг директори ҳам ёш, улар гўё эндигина комсомол ёшидан ўтишганга ўхшаб кетишади. Ҳақиқатан ҳам уларнинг кўпчилиги сал кам ўттиз ёшда.

Колхоз, совхоз, район раҳбарларининг ёшлиги — масаланинг асосий ўзаги эмас. Республикада кейинги йилларда раҳбарлик услуби ўзгарди. Партия комитетларида, район ижроия комитетларида, колхозлар ва совхозларда дўк-пўписани, ҳатто қаттиқроқ овоз чиқариб гапирилганлигини ҳеч эшитмайсиз.

Ўзбек тилида қадимий андиша деган сўз бор. Бу сўзни таржима қилиш қийин. Бу сўз жўнгина ҳурмат, эҳтиром ва назокатдан ҳам ортиқроқ. Бу сўз одамнинг ташқи қиёфасини эмас, ички фазилатини кўпроқ кўрсатади. Бу аҳлоқ услуби эмас, балки шундай маънавий фазилатки, бу фазилат атрофдаги кишилар билан муомилада намоён бўлиши керак. Бу сўз баъзан унутиб юборилди. Лекин халқ орасида андишалик одамларга нисбатан бўлган ҳурмат-эҳтиром бари бир яшайверди.

Мирзачўлда кўпдан буён яшаб келаётган икки киши — Пахтакор район партия комитетининг биринчи секретари В. Х. Насриддинов ва қурилиш трестининг бошқарувчиси С. А. Терешин менга «Пахтакор» совхозида йиғим-терим маврути уюшқоқлик билан ўтди, деб айтишди. Бирор кишини койишга, жазолашга тўғри келмади. Одамларнинг ўзлари бир-бирларининг бераётган мададини сезиб, зўр ғайрат билан меҳнат қилишди.

...26-совхоз директори қирқ етти ёшлик мулойим ва камсуҳан Худоёр Латипов мени посёлканинг бетон ётқизилган кўчасидан бошлаб бормоқда.

Директорнинг бошида кўпдан-кўп ташвишлари бор. Унинг фикри-хаёли далада, участкаларда, бригадаларда: «пахтанинг очилиши қандай экан, дефолиация қандай экан. Аккумуляторларни вақтида келтиришмабди, дейишади...»

Директор йиғим-теримдан кейинроқ ғўза парваришининг экономикаси тўғрисида диссертация ёқламоқчи. Унинг иккита хонали уйида столларнинг устида ҳам, стулларнинг устида ҳам қўл ёзма варақлари, қоралаб қўйилган саҳифалар, мақолалар, дафтарлар ётибди.

Посёлкадаги уйларнинг ҳаммаси бир хил. Уйларнинг бундай бир хил бўлиши мени жиндак ҳам ранжитмайди. Москва атрофида шундай уйлар бўлганида соз бўларди. Лекин бу уйларда сув ва канализация бўларди. Бу ерда ҳамма қулайлик ҳовлида. Бу энг дастлабки типовой лойиҳа. Хамирнинг учидан патири бўлган. Энди бошқача қилиб қуришмоқда.

Қўшни «Самарқанд» совхозида қулай томорқа участкаси, боғи ва ёрдамчи бинолари бўлган ҳозирги замон каттежлари қад кўтариб турибди. Бу биноларнинг ҳаммаси яқингинада қурилган бўлса ҳам, лекин улар яшнаб ўсаётган боғларга кумилиб кетмоқда. Бу ерда дарахтлар одатдагидан кўра анча тезроқ ўсаётганлигини пайқаш мумкин.

Дарвоқе, бу ерда ҳам қўнимсизлик тўғрисида гапиришди.

— Ҳа, янги совхозлар боплаб қурилмоқда,— деди Латипов.— Қўнимсизликка келганда, маиший сабаблардан ташқари бошқа сабаблар ҳам бор. Мисол учун совхоздаги механизаторларга тўланадиган ҳақнинг, қурилиш ташкилотларидаги кишиларга тўланадиган ҳақнинг номувофиқлигини олиб кўрайлик. Албатта, маданий-маиший хизмат кўрсатишдаги камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтмасдан бўлмайди, лекин энг муҳими одамларга қандай муносабатда бўлишда, аниқроқ қилиб айтганда, одамларнинг ўзаро муносабатида.

Менга Латиповнинг гапга шундай аниқлик киритиши, унда ҳамиша янги фикр борлиги маъқул тушади.

— Яхши ходимлар кетиб қолишмайди... Кези келганда шуни айтиб қўяй, деб сўзини давом эттирди Латипов, бугун кечқурун бўлим бошқарувчиларимиздан бирини кузатиб қўямиз. У жўнаб кетяпти. Уни «Ховос» совхозига директор қилиб кўтаришди. Ховос илгари бир бутун бошлиқ район эди.

Мен дастурхон атрофида ўтирибман. У билан ҳайр-хўшлашганимдан тўхтатди. Бу йўлнинг бири —Тошкент — Самарқанд — Термиз, иккинчиси Янгиер—Жиззах йўли.—Қарагина,— деди Латипов,— сен Мирзачўлнинг қоқ марказида, маъмурчиликнинг қоқ марказида турибсан. Оламнинг мана шу қисми башариятга умрбод совға қилинганлигини унутма!

Комил ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон ССР («Правда» газетасидан).

БЕШЙИЛЛИК ВАХТАСИДА



Робия Турдиева Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинатида ишлайди. У ишлаб чиқариш илғорларидан ҳисобланади. Меҳнатсевар аёл Робия цехдагина эмас, балки комбинатда ном таратган. Суратда: Р. Турдиева.

А. Тўраев фотоси.

КЎПЛАБ ГИДРОМЕТЕРЕОЛОГИК АСБОБ-УСКУНАЛАР

Тошкентдаги «Гидрометприбор» заводи республикамизнинг гурли чекка-ларидаги гидрометереологик лабораториялар учун кўплаб асбоб-ускуналар етказиб бермоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган ДР-70, Л-10 ҳамда қуритиш каби шкафлар лабораторил ходимларининг оғирини енгил қилиб, жуда ҳам аниқлинда об-ҳаво маълумотларини олиш имконини бермоқда.

Бу завод маҳсулотидан пахта заводлари лабораторияларида ҳам кенг қўлланилмоқда. У ердаги контроль ўлчов асбоблари пахта сортларини ажратишга имкон беради.

Асбобсозлар маҳсулотларига бўлган талабни инобатга олиб, асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга жиддий эътибор бермоқдалар. Улар ўн ойлик маҳсулот реализацияси планини 102,8 процент қилиб бажардилар. Планга қўшимча равишда 33 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди.

БУЮК ИНСОНПАРВАР ЁЗУВЧИ

Ер юзидаги одамларнинг ҳаммасини номини иззат ва ҳурмат билан тилга олаётган сўз санъаткорлари орасида Федор Михайлович Достоевскийнинг номи алоҳида ўрин олиб турибди. Бу инсонпарвар рус ёзувчисининг бутун ижоди бахтиёрликни орзу қилаётган, жамият тузуми адолатли бўлишини ният қилаётган инсонга бағишлангандир. Шунинг учун ҳам Ф. М. Достоевский туғилган кунининг 150 йиллиги рус маданиятининг байрамидир, тараққийпарвар инсоният байрамидир.

СССР иттифоқи Большой театрида 11 ноябрда ўтказилган тантаналн маҳлис мана шу сўз устасига, унинг ажойиб истеъдодига, унинг ҳаётий шижоатига муҳаббат ва ҳурматнинг ифодаси бўлди. Бутуниттифоқ юбилей комитетининг аъзолари, ёзувчилар, маданият ва фан арбоблари, Москва корхоналарининг илғорлари, жамоатчилик намояндалари, чет эллардан келган меҳмонлар маҳлис президиумидан жой олишди.

В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев ўртоқларни маҳлис аҳли қизғин кутиб олди.

Бутуниттифоқ юбилей комитетининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. А. Федин тантанали маҳлисни кириш сўзи билан очди.

СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Б. А. Сучков Достоевский ҳақида гапирди.

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИНИ КЎПРОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК

ХАРИДОР ТАЛАБИ — АСОСИЙ МЕЗОН

Бу корхона коллективи қўлидан чиқаётган турли-туман рўзғор жиҳозлари меҳнаткашларга манзур: шкафлар, тахта, кроватлар, буфет, кресло-кроватлар, стуллар, болалар учун мўлжалланган мебель буюмлари кўплаб харид қилинмоқда. Уларга бўлган эҳтиёж ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Буни ҳисобга олган Тошкентдаги «Шарқ» мебель фирмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, сифатини яхшилаш, чидамлилигини оширишга катта аҳамият бермоқдалар. Шу мақсадда кўплаб ташкилий-техникавий тадбирлар белгиланмоқда ва амалга ошириляпти.

Мавжуд ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш доимо коллектив эътиборн марказида бўляпти. Қатор ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллаштирилди, янги-янги асбоб-ускуналар ишга туширилди, илғорлар тажрибаси кенг ёйилди. Шундай тадбирлар туфайли тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбурият асосий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли ado этилмоқда.

Мебелчилар шу йилнинг ўн ойлик ишлаб чиқариш планини анча барвақт уддаладилар. Мебель жиҳозлари тайёрлаш топшириғи 103,4 процент бажарилди. Савдо шохобчаларига плангадиган тушқари 263 минг сўмлик мебель жўнатилди.

Бу йил коллектив яна бир хайрли ишга қўл урди. Корхонада медицина мебели ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ийл охиригача, бундай маҳсулотдан 1 миллион 100 минг сўмликдан кўпроғи тайёрлаб берилади.

Ишчи-хизматчилар ишлаб чиқаришнинг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳам муттасил яхшилашмоқда. Тежамкорлик учун кураш коллективнинг шиори бўлиб қолган. Ҳар бир иш жойида материаллар ва хом ашёни иқтисод қилиш, уларнинг бефойда сарфланишига йўл қўймасликка ҳаракат қилинаяпти. Ҳозиргача 14 минг сўмлик хом ашё ва материаллар иқтисод қилинди.

Маҳсулот сифати тобора яхшиланиб бораяпти. Ҳар бир мебелчи корхона маркаси шуҳратини ошириш юзасидан бошланган умумколлектив ҳаракатида фаол иштирок этяпти. Кўпгина ишчилар қўлидан чиқаётган буюмлар техника контроли бўлими ходимлари иштирокисиз тўппа-тўғри реализация қилиш учун қабул қилинаяпти. Ҳозирги вақтда барча маҳсулотга «олий сорт» деган белги қўйилмоқда. Бир неча йилдан бери коллектив рекламацня нима эканлигини билмайди. Тайёрланган у ёки бу мебель буюмининг сифатсизлиги ҳақида йил бошидан бери бирор марта ҳам шикоят ёки норозилик хати олингани йўқ.

Полиэфир лакидан фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги, ишчилар малакасини ошириш юзасидан кўрилаётган чоралар мебель сифатининг яхшиланишида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Полиэфир лаки илгари мебель буюмлари деталларига пардоз беришда ишлатилиб келинган лакларга қараганда қатор афзалликларга эга. У турли сунъий ва табиий таъсирларга чидамли, ўтда ёнмайди, совуқдан ёрилиб кетмайди. Бу лак мебель буюмларининг кўримлилигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. У билан пардозланган мебель жуда ёркин, гўзал, тиниқ бўлади.

Ишчи-хизматчилар ўртасида социалистик мусобақа ва унинг олий формаси бўлган коммунистик меҳнат тантанаси учун курашнинг авж олдирилганлиги муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Барча цехлар, бригадалар ўзаро мусобақа шартномаси тузишган. Кўпчилик мебелчилар зиммаларига шахсий мажбуриятлар олиб ишлашаяпти. Мусобақа шартларининг бажарилиши ҳар ойда якунланиб турилади. Илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда.

Фирма коллективи икки йилдан бери республика Мебель ва ёғочсозлик саноати Бош бошқармаси ҳамда енгил саноат ходимлари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келаяпти. Ҳар квартал якунида мукофотли ўринларни эгалламоқда. Фирмадаги цехлараро мусобақада эса 2-филиал ишчи-хизматчилари яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Филиалда меҳнатнинг пухта ташкил этилиши, ишлаб чиқариш маданиятининг тинмай оширилиши, барча звеноларнинг бир меёрда ишлаши туфайли давлат планларини бажаришда юксак кўрсаткичларга эришилаяпти. Коллектив ўтган ўн ой давомида планни 106 процент қилиб бажарди ва қўшимча 105 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Кресло-кровать ишлаб чиқариш бўйича эса йиллик топшириқ адо этилди. Пландагидан ташқари реализация қилинган стуллар бир ярим минг донадан ошиб кетди. Бу ерда меҳнат унумдорлиги белгиланганига қараганда 10,8 процент ортди.

Бу йил фирма ишчи-хизматчилари 9,4 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишлари керак. Ҳар бир ишчи КПСС XXIV съездн кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан белгилаган улкан программанинг муваффақиятли амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшиш каби олижаноб мақсадни дилига маҳкам жо қилиб меҳнат қилаяпти. Мебелчиларнинг шу кунлардаги ғайрат-шижоатга, матонатга тўла меҳнатлари бу шарафли ва масъулиятли вазифанинг муваффақиятли бажарилишига шак-шубҳа қолдирмайди.

М. МАҲМУДОВ.

ПАХТАЗОР ЛОЧИНЛАРИГА

Сенга деб қўшиқ ёздим, тўкиб кўзим нурини,
Унинг банди-бандини йўғирдим меҳрим қўшиб.
Тонгдай қутлуғ зафаринг тотиб завқ-суруринн,
Мадҳинг ёниб куйладим, дарёдай қалбим жўшиб.

Кел қадоқ қўлингни бер, қутлай кўксимга босиб...,
Деҳқонга учқур қанот бағишлаган лочиним.
Алпомиш десам сени алплигингга муносиб,
Алпомишдай эл аро довруғ солган лочиним.

Улкан тўй-маъракага паҳлавон кенг кифтингда,
Помир тоғдай «оқ олтин» олиб келдинг офарин.
Кўтарса арзир сени юртим севиб кафтида
Жанг-жадал майдонида ғолиб келдинг офарин.

Осмон билан ўпишган заринг ҳар мисқолида
Музаффар буюк халқнинг бахти, ризқи-рўзи бор.
Миннатдор эл тилида, фикри-зикри — дилида
Сенга жондан ташаккур, балли раҳмат, сўзи бор.

Пахта ишқида ёнган шижоаткор кунларинг —
Гувоҳ бўлиб қолғуси сенга мангу толедан.
Водийда бедор ўтган неча-неча тунларинг —
Қучиб ўргилгин бугун бахш этган иқболидан.

Кўрганман лочинлигинг аччиқ, аёз бўронда —
Она ернинг кўксини йилагансан қўр тўкиб.
Сафда сафдошлар билан бедов суриб майдонда,
Хазинам деб эъзозлаб снйлагансан қўр тўкиб.

Кўрганман лочинлигинг гуркираган навбаҳор,
Саралаб сара уруғ қадагансан миришкор.
Орзу-умидларинг мўл, кўк юзидай беғубор,
Ҳар қарич ерга боқсам пешонангни тери бор.

Кўрганман лочинлигинг, бошингда порлаб ёниб
Пуркаб олов селинн элитганда офтоб.
Куксингни қалқон қилиб, ғўза меҳрига қониб,
Асрадинг ҳар ниҳолни барака топ, камол топ.

Пахтазор очиб жамол, чаноқлардан дур сочиб,
Езиб олтин сепини олтин кўзак келганда.
Водийда қирмизи ранг, ярқираган тонг отиб,
Териб бонгги ҳайқириб қанотланиб елганда —

Бел боғлаб қамчи босдинг яна бедов отингга
Яна кўрдим дилхушнуд карвонинг боши бўлдинг.
Деҳқонни олиб мағрур букилмас қанотингга,
Хирмонга-хирмон қўшиб, таянч йўлдоши бўлдинг.

Бахтинг пошвоз йўлингда, пўлат жилов қўлингда
Жавлон урдинг туну-кун, поёнсиз водий бўйлаб.
Минглаб суворий жадал борур ўнгги-сўлингда.
Эл-юртнинг бойлиги-тинчлик хирмонин ўйлаб.

Юракда пахта ишқи, ўзинг бардам, руҳ тетик
Пахтакорлик касбингга қалбим тўла эҳтирос.
Турсуной, Шохимардон отряднсан сен етук —
АзизА номингни қанча шарафласам шунча оз.

Улкан тўй-маъракага паҳлавон кенг кифтингда,
«Помир тоғдай» «оқ олтин» олиб келдинг офарин,
Кўтарса арзир сени юртим севиб кафтида,
Жанг-жадал майдонида ғолиб келдинг офарин.

Кел қадоқ қўлингни бер, қутлай бағримга босиб,
Деҳқонга учқур қанот бағишлаган лочиним.
Алпомиш десам сени алплигингга муносиб,
Алпомишдай эл аро довруғ солган лочиним.

Усмон ЖЎНГИТОВ.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

ХАНОЙ, 11 ноябрь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Нгуен Зуи Чинь СССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари К. С. Назаренко бошчилигидаги Совет—Вьетнам дўстлиги жамияти делегациясини қабул қилди. Бу делегация Вьетнам Демократик республикаси улуғ Октябрнинг 54 йиллиги байрам қилинишн муносабати билан бу ерда меҳмон бўлиб турибди.

Нгуен Зуй Чинь делегация аъзоларини самимий табриклади. У КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний бошчилигидаги Совет партия ҳукумат делегациясининг яқинда Вьетнам Демократик республикасига қилган визити Совет—Вьетнам халқлари ўртасидаги дўстликни ва жанговар бирдамликни ривожлантиришга янги ҳисса бўлиб қўшилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

УЧТА КЎП ОВОЗ БИЛАН

ДУБЛИН, 11 ноябрь. Парламентда ҳукуматга ишончсизлик билдирмаслик тўғрисидаги резолюция овозга қўйилганида, Ирландия Бош министри Жон Линч ҳукумати уч овоз кўп олиб, мағлубиятдан қутилиб қолди. Энг йирик оппозицион партия-Фине Гал партияси киритган бу резолюция қишлоқ хўжалик министри Жеймс Гиббонснинг истеъфо беришини талаб қилган бўлса ҳам, сиёсий кузатувчиларнинг фикрича, ҳақиқатда эса, оппозиция Ирландиядаги ҳукмрон финна файл партиясидаги келишмовчиликлардан фойдаланиб, ўз олдига Линч ҳукуматини агдариб ташлаш мақсадини қўйган эди.

Телетайп ЛЕНТАСИДАН

▲ **ОТТАВА.** Америка Қўшма Штатлари четдан келтириладиган молларга, шу жумладан Канадада ишлаб чиқариладиган молларга ҳам ўн процент миқдорида қўшимча солиқ жорий қилганлиги Канаданинг иқтисодий қийинчиликларини янада оғирлаштирди. Натижада мамлакатдаги ишсизлар октябрь ойида 447 минг кишига етди. Расмий маълумотларга қараганда, мамлакатдаги бутун ишчи кучининг 6,7 процентн иш тополмай юрибди.

▲ **НЬЮ-ЙОРК.** Америкаиинг «Маринер-9» автомат станцияси Марсга чамаси 850 минг миля масофагача яқинлашиб бориб, шу планетани фото суратга ола бошлади. Америка олимлари фото суратларда кучли чанг бўрони қолдиқларини кўришни тахмин қилмоқдалар. Мутахассисларнинг фикрича, кейинги етти ҳафта давомида Марс юзасида ана шундай чанг бўрони бўлмоқда.

▲ **ПАРИЖ.** Франция Коммунистик партияси мамлакатни демократик бошқариш юзасидан ўзи ишлаб чиққан программани кенг халқ оммаси орасида тушунтириш кампаниясини бошлади. Париж яқинидаги Леваллуа-Перре шаҳрида бўлиб ўтган оммавий йиғилишда коммунистлар ва партиясизлар бўлиб олти минг киши қатнашди. Йиғилиш президиумида компартия раҳбар арбобларидан Жорж Марше, Робер Балланже, Жан Канапа, Рене Андрие ва бошқалар ҳозир бўлишди.

▲ **ЛАГОС.** Нигерия пойтахтида электр-техника ускуналарининг ихтисослаштирилган кўргазмаси очилди. Кўргазмани совет ташқи савдо бирлашмаси «Энергомашэкспорт» ташкил қилди.

Нигерия савдо министрлигининг вакили Ж. А. Адейейе кўргазмани очиш маросимида сўзлаган нутқида турли соҳаларда Нигерия-Совет ҳамкорлиги ривожланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор қилди. Бу кўргазма Нигерия мутахассисларига ва савдо-саноат доираларининг вакилларига Совет Иттифоқининг электр-техника соҳасидаги сўнгги муваффақиятлари билан батафсил танишиш имконини беради, деб таъкидлади у.

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

«Чирчиксельмаш» заводи ишчилари пахтакорларга кўплаб қишлоқ хўжалиги машиналари етказиб бериш билан чегараланиб, қолмай, ўзларн вақти-вақти билан далага чиқиб мўл-кўл «оқ олтин»ни териб олишда колхозчиларга яқиндан кўмаклашиб келишмоқда.

Завод коллективи «Северний маяк» колхозини оталиққа олган. Айни йиғим-терим қизиган дамларда бир неча кўмакдошлар бригадаси пахтакорлар билан ёнма-ён туриб ишлади. Айниқса Е. Филюшкин билан С. Алязизовлар бошлиқ бригада аъзоларининг қўшган ҳиссаси катта бўлди. Темирчилик пресслаш цехининг ишчиси Фотие Зигурис ҳар куни 150—200 килограммдан пахта терди.

Пахтакорлар завод ишчилари кўмагидан беҳад миннатдорлар.

КЕЛАСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

Асфальт бетон заводи Чирчиқ саноат корхоналари ўртасида энг ёши ҳисобланади. Бу корхонада социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилганлиги учун ойлик ва квартал планлар доимо ошириб бажарилмоқда. Завод шу кунларда 1972 йил ҳисобига ишламоқда. Бетон, темир-бетон ва бошқа маҳсулотларни реализация қилиш плани бир мунча ошириб бажарилди. Истеъмолчилар завод маҳсулотидан мамнун бўлишмоқда.



ИНСТИТУТ УЧУН ЯНГИ БИНО

Тошкентда ўлка медицинаси илмий-тадқиқот институти учун янги бино қуриб битказилди. Унда институтнинг клиник ва экспериментал бўлимлари ҳамда 165 ўринли клиникаси жойлашди. Суратларда: институтнинг ички ва ташқи кўриниши.

Б. Мазур (ЎзТАГ) фотоси.



Андрей СОЛОВЬЕВ.

ҚИРҚ ТЎРТИНЧИ ЙИЛ СЕНТЯБРИДА

Террорни амалга ошириш воситаларига алоҳида аҳамият берилди. Гитлерчилар Таврингга унинг «миссияси» нисбатан осон кўчиши ва ишни бемалол бажаражагини усталик билан уқдиришсада, ўзлари агентни шубҳасиз ўлимга юбораётганликларини жуда яхши тушуниширди Бироқ, бу нарса уларни унчалик қизиқтирмасди. Улар учун энг муҳими Таврин суиқасдни амалга ошира олса, суиқасднинг ҳар қандай усули ўлим билан тугаса бўлгани эди.

Шунинг учун Таврингга жуда хилма-хил қурол-яроғлар, турли система ва калибрдаги бир неча пистолет, жумладан, 8-разрядли «Скотт» тўппончаси (унинг ўқлари қора қоғозда калла суяги тасвирланган темир сандиқдан олинди), ўзига хос бронятешар қўл миномёти — реактив «Панцернакке» қуролининг икки нусха аппарати берилди. Бу қурол империя хавфсизлиги бош бошқармаси лабораторияларида атайин ишланган бўлиб, жез трубкадан иборат эди. Трубка ичида кумулятив бронятешар фугасли граната жойлашган бўлиб, у электр запали воситасида бармоқ босиш билан отиларди. Қурол чўнтак фонари батарейкасидан қувват оларди.. Бундай снарядниг ҳар бири 300 метр масофадан туриб қалинлиги 400 миллиметрдан ортиқроқ бўлган броня тахтани тешиб ўтаоларди.

Таврингa юқоридаги тўппончалар, портловчи ва заҳарловчи ўқлар ва дахшатли «нацернакке»дан ташқари кичик ҳажмдаги, аммо катта қўпорувчи кучга эга бўлган магнитли мина ҳам берилдики, у маълум масофадан туриб муайян частотада юборилган радиосигнал орқали портлатиларди.

Аммо, фашистлар шуни яхши тушунишардики, мана шу ҳужжатлар, соф бланклар, муҳрлар, ва одам ўлдирувчи энг замонавий воситалар биринчи босқичда салбий роль ўйнаши турган гап эди. Негаки, булар террорчининг кимлигини билдириб, ишнинг бошидаёқ бутун операцияни расво қилиши мумкин эди.

Хўш, Таврини Совет Иттифоқига қандай ишончли йўл билан элтиб қўйиш зарур? Террорчининг бевосита фронт чизигидан ўтиб бориши жуда хавфли — уни ушлашлари, яраддор қилишлари, ўлдиришлари, мумкин. Бордию-парашютдан ташланса, у ҳолда бутун аҳкомни зарур жойга элтиши ҳам, агентни ерга қўнган жойдан узоқроққа кетишини ҳам қийинлаштирарди. Шунинг учун ҳам «Мессершмит» фирмасида ишланган энг янги самолётнинг тажриба нусхаси — «Арадо-332»дан фойдаланишга қарор қилинди. Мазкур самолёт империя хавфсизлиги бош бошқармасининг махсус топшириғига биноан ясалган эди. У жуда юқори масофада совет фронти орқасига учиб ўтиб, Вязьма—Ржев районида қўниши, агентни қўндирган заҳотиёқ, юкларни туширib, базага қайтиб кетиши керак эди.

Агент тушган жойдан дарҳол изни йўқотиш ва қурол-яроғ, ўқдори, радио воситалари ва бошқа хил анжомларни мумкин қадар узоқроққа олиб кетиш мақсадида аравачали «Цундап» мотоцикли танланди. Бу кучли транспорт юки билан соатига 120 километргача йўл боса оларди.

Берлин билан доимо алоқада бўлиши учун Тавринга портатив радиоузаткич ва тегишли шифр ва шифр очувчи дафтарчалар берилди. Таврининг совет территориясида бўлиши ва суиқасдни тайёрлаши мақсадлари учун 500 минг сўм ажратилди.

Совет қўшинларининг тўхтовсиз қудратли зарбалари кучайиб бораётган бир шароитда фашистлар учун террорни амалга ошириш тобора, кўпроқ аҳамият касб эта борди. Гестапо бошлиқлари бунинг учун бор кучни ҳам, пулни ҳам аяшмади. Улар операциянинг энг майда-чуйда деталларигача олдиндан ҳисобга олиб, эҳтимол тутилган қийинчилик ва мураккабликни иложи борича камайтириш ва ўз режаларини муваффақиятли амалга ошириш учун шарт-шароит ҳозирлашга зўр бериб уринишарди.

КАРТАЛАР ОЧИЛГАНДА

1944 йил апрелида Таврини террорчилик кўникмаларини қай даражада ўзлаштирганлигини контроль текширишдан ўтказиш учун яна Берлинга чақиришди.

Автомобиль катастрофасида ҳалоқ бўлган Грейфе ўрнига ўтирган оберштурбанфюрер Хенгельгаупт у билан асосий машғулотларни такомиллаштирди. У Таврининг «тўла ишонч»ини қозониш ҳамда «жанговар руҳи»ни кўтариш мақсадида хизматдан ташқари алоқани ҳам йўлга қўйди. Террорчи бу мулозаматдан эриб, оберштурмбанфюрернинг уйида тез-тез меҳмон бўлиб турди.

Бир неча кундан сўнг у яна таниш Фриденталга қайтиб келди, бу ерда «панцернакке» ва магнит миналаридан фойдаланиш йўлларини ўзлаштириб олди.

Иккинчи ҳафта ниҳоясида Скорцени уни яна ҳузурига чақирди. Ўта махфий суҳбат узоқ давом қилди. Юзи чандиқли бу одам ниҳоят ёпиқ картани очгандай бўлди. У Таврин Совет Иттифоқи Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондонини ҳалок қилиши лозимлигини айтди.

Таврин буни фаҳмлаганига анча бўлганди — бекорга унинг миссияси «тарихий» аҳамиятга эга эканлигини кўп марталаб уқтиришмаган эди! Ҳар ҳолда, бу хабар унинг нафасини қисиб, юрагини гўё темир исканжага солди, чунки Таврин «тахминимдан адашсам керак» деб аимдан умид ҳам қиларди.

Скорцени бўлса бамайлиҳотир қотилликни амалга оширишнинг асосий, энг мақбул вариантларини батафсил муҳокама қилар, бу вариантларнинг ҳар бирини бажариш мумкинлигини зўр бериб таъкидларди. У совет аҳолиси кенг табақаларининг ҳуқуматга гўё кенг оппозициядa эканлиги назарда тутилса, улар орасида пул учун ҳар қандай жиноятга тайёр бўлган, Таврининг қўлга тушмай ишлириб олишига ёрдам берадиган унсурлар гўё исталганча топилади, деб уқтирарди.

Таврин ўз шефининг сафсаталарига индамай қулоқ соларди, аммо дилида ҳар қандай тушунтиришлар, йўл-йўриқлар, маслаҳатлар ва ишонтиришларга қарамай шуҳпа зўр эди. бошқа йўл йўқ эди: топшириқдан воз кечиш узоқ азобли ўлимга маҳкум этарди уни. У ўзининг бундай ҳис-туйғуларига қаршилик кўрсатишга уриниб, Скорценининг ҳаддан ташқари оптимистик гапларини маъқуллагандай бошини қимирлатарди.

Скорцени Таврин билан асосий бош «идея» билан бир қаторда бошқа масалаларни ҳам батафсил муҳокама қилди. Жумладан, у Таврин зиммасига Подмосковьеда «алоҳида мақсадларда махсус парашют-десант группалари»нинг кўниши учун қулай районларни танлаш ва уларни яшириш учун бекитиқчи уйлар топишни юклайди. Скорцени бу ишни Австрия ҳукмдорлари Миклас ва Шушнигни, айниқса Муссолинини ўғирлашга ўхшатаркан, шу тоида кўзиб кетган хомхаёлларни йиғиштира олмай, ўтакаси ёрилган агент кўз ўнгида «кенг террорчилик ва қароқчилик фаолияти»га оид афсонавий манзараларни чиза бошлади. Тўғри, бу гапларга унинг ўзи ҳам ишонмасди; бироқ бу бемаъни сафсата уни зулматдек қоронғу воқеликдан бир дақиқа бўлса ҳам халос бўлишига имкон берарди.

Охирги «синов»дан ўтиш учун Ригага жўнаш олдидан Таврини яна Власов ҳузурига олиб боришди. «Бош қўмондон» сотқинни «жасорат»га йўллаб, унга шошмаслик, ниҳоятда эҳтиёт бўлиш ҳақида оталарча насиҳат қилди:

— Петр Иванович, азиз биродарим, шуни ёдингизда тутингки, сизга буюк иш топширилган...

Власов суҳбатни давом эттираркан, Скорцени Таврин зиммасига юклаган иккинчи вазифанинг ҳам алоҳида аҳамияти борлигини таъкидлади, аммо буни сал бундайроқ оҳангда гапирди.

Хилма-хил тавсиялар, насиҳатлар ва йўлланмалар билан «сочидан тирноғигача» қуролланган Таврин Ригага жўнаб кетди. Яна машғулотлар, яна психологик машқлар бошланди. Шу тарзда бир неча ҳафта ўтди.

Ниҳоят, август ойининг бошларида агентни тайёрлаш тугалланди, деган қарорга келишди. Скорценинг маслаҳатига биноан, Таврингa ёрдам бериш ва асосан унинг совет фронти орқасидаги ҳатти-ҳаракати ва юриш-туришини узлуксиз назорат қилиш мақсадида агент билан бирга унинг ҳамхонаси Л. Я. Шиловани ҳам қўшиб юборишга қарор қилинди.

Бу аёл штурмбанфюрер Крауснинг эски ишончли агенти эди. Аёлни тезкорлик билан радио ишига ўргатишди. унга «Смерш» контрразведкасининг ҳудди ўша бўлими секретари — кичик лейтенант Лидия Яковлевна Шилова номига ёзилган шахсий гувоҳнома ва бошқа ҳужжатларни беришди. уни ҳам биргаликда самолётдан ерга қўндиришга тайёрлашди. Айни чоғда Таврингдан сир тутилган ҳолда Краусниг ўзи Шиловага батафсил йўл-йўриқ берди. Унинг асосий вазифаси нима қилиб бўлса ҳам Таврини топшириқни бажариш учун зўр бериб қатъий ҳаракат қилишига ундаш эди. Агар Таврин қўрқоқлик қилиб, юраги бетламаса, суиқасдни атайин орқага чўзса, аёл агент фақат сўз билан эмас, балки қурол-кучини ишлатиш йўли билан ҳам иш тутмоги лозим эди. Таврин бевосита сотқинлик қилгудек бўлса уни йўқ қилиши, иш вақтида қўлга туша, Совет давлат хавфсизлиги органлари томонидан ёлғон маълумот берилишининг олдини олиш мақсадида фақат ўзига маълум программа шифридан фойдаланиши лозимлиги қўрсатилди.

1944 йил август ойининг охирги кунларида Скорцени «агент тайёр» деб Кальтенбруннерга хабар қилди. Обергруппенфюрер ўз навбатида, яқин вақт ичида Гиммлер операция тўғрисида фюрерни ўзига хабар қилади, деб айтди ва операцияни бажариш юзасидан бутун масъулиятни шахсан Скорцени зиммасига юклади:

(Давоми бор)

(Боши газетамизнинг 4, 5, 10, 11 ва 12 ноябрь сонларида).

Спорт

ЧОРАК ФИНАЛГА ДАЪВОГАРЛАР

Футбол бўйича Европа чемпионатининг саралаш ўйинлари ниҳоясига етмоқда. Ҳозирча қитъа биринчилигининг чорак финалига уч команда — Италия, Югославия ва Совет Иттифоқи футболчилари йўлланма олдилар. Қолган беш ўрин учун группаларда қизғин кураш кетмоқда.

Иккинчи саралаш группасида Франция терма командаси ўз майдонида Болгария футболчилари билан учрашди. Ўйин 2:1 ҳисобида француслар фойдасига ҳал бўлди. Бу группада учрашувларни тугатган Венгрия терма командаси пешқадам бўлиб турибди. Венгерлар 12 имконнятдан 9 очко тўплаганлар. Франция командасида 7 очко, Болгария футболчиларида 5 очко бор. 11 декабрь куни Софияда группадаги охирги учрашув — Болгария—Франция матчи бўлади.

Европа чемпионати бешинчи саралаш группасининг пешқадамлари — Бельгия футболчилари Абердин шаҳрида Шотландия командаси билан учрашдилар ва 0:1 ҳисобида енгилдилар. Бу бельгияликларнинг биринчи мағлубиятидир. Группадаги сўнгги учрашув (21 ноябрда Португалия—Бельгия ўйинайди) олдидан командалараро ҳисоби қуйидагича: Бельгия 8 очко, Португалия — 6. Бу икки даъвогар тўпларининг нисбати 10:2 ва 9:5 бўлиб турибди.

Жаҳоннинг собиқ чемпионлари — Англия футболчилари Европа чемпионатининг саралаш ўйинида ўз майдонида кутилмаганда швейцарияликларга бир очко бериб қўйишди — 1:1. Швейцария терма командаси 9 очко билан саралаш ўйинларини тугатди. Инглизлар ҳам шунча очкога эга. Лекин уларнинг Афинада Греция терма командаси билан бир ўйини бор. Бу учрашув 1 декабрда ўтади.

Польша олимпиада терма командаси футболчилари Испания пойтахтида майдон эгаларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

УМИДВОР ЁШЛАР

Боку шаҳрида ВЛКСМ Марказий Комитети таъсис этган «Умид» кубогининг финал мусобақалари Озарбайжоннинг ёшлар терма командаси галабаси билан тугади. Бу команда турнир ниҳоясига етмасданоқ ҳамма рақибларидан ўзиб кетиб, фахрли совриn эгаси бўлди.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети таъсис этган «Умид» ва «Ёшлик» кубоги эгалари ҳам фахрли мукофотлар билан тақдирландилар. «Умид» кубоги Тошкентдаги автомобиль ремонти заводининг ёш футболчилари (тренери Э. Қаҳрамонов)га тегди. «Ёшлик» кубогини эса «Пахтакор» командаси тайёрлов группасининг В. Шамсимуҳамедов устозлик қилган чарм тўп усталари қўлга киритдилар.

Р. РИХСИЕВ ХАЛҚАРО КЛАССЛИ МАСТЕР

Тошкентлик машҳур боксчи Рифат Рихсиев мусобақаларда эришган катта муваффақиятлари учун «Халқаро классли СССР спорт мастери» фахрий унвонига сазовор бўлди. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети Бутуниттифоқ ягона спорт классификацияси норматив ва талабларини бажарганлиги учун пойтахтимиздан бир неча кишига «СССР спорт мастери» унвонини беришга қарор қилди. Булар орасида сузиш бўйича «Спартак» жамиятининг аъзоси Р. Йўлдошева, енгил атлетика бўйича Т. Козлова («Локомотив»), Берштейн («Буревестник») ва бошқалар бор. Спартакчи И. Вольшанский футбол бўйича «Бутуниттифоқ топфали судья» фахрий унвонини олди.

Реклама ва эълонлар

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/XI да **Олтин девор**, 14/XI да **Афсона яратган қиз** (кундуза), **Имон** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/XI да **Хотинимнинг эри**, 14/XI да **Ҳалима**, 15/XI да **Мавлоно Муқимий**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **РСФСР халқ артисти И. РУБАН раҳбарлигидаги ўргатилган ёввойи ҳайвонлар иштирокида МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ҲАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ** (кеч соат 7 яримда, шанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

Кино

Қобулдаги миссия (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ЧАЙКА», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 4,5 ва кеч 8 да).

Тасодифлар ёнма-ён — «ВОСТОК» (жуфт соатларда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (ўртаалаб соат 11 кундуз 3, кеч 7 ва 10 яримда), ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Офицерлар — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Сен ёнимда бўлсанг — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Огинский полонези — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1,5 ва кеч 8.45 минутда), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3, кеч 7 ва 9 да).

Юлдузлар сўнмайди — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Ёввойи қалб (2 серия) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Орзу автомати — «КУКЧА» (эрталаб соат 10, 11 ярим, кундуз 5 да).

Узбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ҳузуридаги МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ УНИВЕРСИТЕТИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

УНИВЕРСИТЕТДА МАШҒУЛОТЛАР 15 НОЯБРЬ КЕЧ СОАТ 6.15 МИНУТДА БОШЛАНАДИ.

Ҳамма тингловчилар машғулотлар бошлангунча регистрациядан ўтишлари зарур.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси, 30-уй.

25 ноябрь кундуз соат 12 да Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг илмий совет кенгаши (60-аудиторияда қишлоқ хўжалик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

К. Раҳмонбердиев: «Тут дарахтини қаламча қилиш орқали жадал усулда етиштириш билан ипакчилик озуқа базаси яратишнинг биологик асослари» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ.

Диссертация билан институт кутубхонаси (Оржоникидзе район, 4-алоқа бўлимида) танишиш мумкин.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ХЛОПКОВОДСТВО»,
«ВЕСТНИК» СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ НАУКИ»,
«УЧЕТ И ФИНАНСЫ В КОЛХОЗАХ И СОВХОЗАХ»,
«ЗЕМЛЕДЕЛИЕ»,
«САДОВОДСТВО»,
«СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО ЗА РУБЕЖОМ»,
«ЖИВОТНОВОДСТВО»,
«СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ БИОЛОГИЯ»,
«ГИДРОТЕХНИКА И МЕЛИОРАЦИЯ»,
«СЕЛЬСКИЙ МЕХАНИЗАТОР».
МАРКАЗИЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЖУРНАЛЛАРИГА

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

13, 14 ноябрь кундуз соат 5 да СССР биринчилиги учун «А» классининг II группасидаги «СК» «ЮЖНИЙ УРАЛ» (Орск) — «МОТОР» (Барнаул). командалари ўртасида

„ХОККЕЙ“

Билетлар сотилмоқда.

ЯНГИ МАВСУМДА

Алишер Навоий номли ўзбек Давлат академик катта опера ва балет театри ўзининг янги мавсумига зўр тайёргарлик кўрди.

Ижодий коллектив ўз репертуарини янги спектакллар билан бойитади. Ҳозир композитор С. Прокофьевнинг машҳур «Золушка» балети саҳна юзини кўриш арафасида турибди.

Ўзбекистон ССР халқ артисти композитор А. Козловскийнинг «Тановар» балети ҳам репертуардан ўрин олади. Томошабинларга мамлакатимиз саҳналарида ўйналган «Князь Игорь» рус операси тақдим этилади. Театрда ёш истеъдодли композитор Р. Ҳамроевнинг драматург И. Султон билан ҳамкорликда яратган «Номаълум киши» операсини саҳналаштириш ишлари ҳам қизғин бормоқда.

РАСМЛАР—КЎРГАЗМАГА

Келгуси йили Тошкентда «Ер ва кишилар» деган мавзуда расмлар кўргазмаси ташкил этилади. Республикамиз мўйқалам усталари ижоди учун навбатдаги катта имтиҳон бўладиган бу кўргазма учун ҳозирдан экспонатлар тайёрлашга киришилди.

Бунинг учун рассомлар республикамизнинг турли областларида ижодий сафарда бўлиб, донгдор пахтакор ва механизаторлар билан учрашмоқдалар. Шунингдек, рассомларнинг яратган асарларидан айримларига қишлоқ мактабларига эсдалик учун тортиқ қилинади.

БАХТИЁР 417 МИНГ КИШИ

Бутун мамлакатимиз каби Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам тўртинчи Бутуниттифоқ бадиий лотереяси тарқатиш кампанияси давом этмоқда. Бизнинг мухбиримиз лотереяни тарқатиш ташкилотлари раҳбарлари билан учрашиб, улардан мазкур тадбирларни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад нима эканлигини, ҳамда лотереяни тарқатиш кампанияси қай аҳволда эканлигини гапириб беришни илтимос қилди.

Қуйида республика рассомлар союзи ҳамда бадиий фонди раҳбарларининг мухбиримизга берган интервьюсини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг раиси, республика халқ рассоми Р. А. АХМЕДОВ:

— Бу йил тўртинчи марта Бутуниттифоқ бадиий лотереяси ўтказилмоқда. Бу одатдагидек СССР Маданият министрлиги ҳамда рассомлар союзининг ҳамкорлигида ўтказилаётган бўлиб, СССР Министрлар Советининг қарори унга дастуриламалдир.

Лотереяни жорий қилишдан мақсад совет тасвирий санъати асарларини кенг пропаганда қилиш, совет рассомлари, тасвирий санъат усталари, халқ амалий санъати усталарининг ишлари билан меҳнаткашларни яқиндан таништиришдир.

Лотереяниг умумий суммаси 4 миллион сўмни ташкил этади. Саккиз миллион лотерея билети (50 тийиндан) чиқарилган бўлиб, улар 40 минг серияга бўлинган, ҳар бир серияда эса 200 дона билет бор. Лотереяда ҳаммаси бўлиб 417 минг ютуқ ўйналади. Буларнинг жами 3154700 сўмни ташкил этади.

Лотереяга чиқадиган ютуқлар орасида рассомларнинг оригинал асарлари, ҳайкалтарошлик, ҳалқ амалий санъати ҳамда декоратив санъат усталарининг энг яхши асарлари бор. Бу асарларнинг асосий критерийси асарларнинг ғоявий ва бадиий жиҳатдан пухта, юксак реалистик руҳда бўлиши билан белгиланади. Шу билан бирга совет кишиларининг ҳаётини фаровон қилишга муносиб ҳисса қўшмоғи лозим.

Лотерея ютуқлари сифатида қабул қилинган асарлар тематик жиҳатдан ҳам ранг-баранглиги билан диққатга сазовордир. Улар фақат табиат гўзалликлари ҳақида бўлибгина қолмай, коммунистик жамият қураётган совет кишиларининг юксак маданияти, бахтли турмуши, қаҳрамонлик тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениеси раисининг ўринбосари Г. И. ЧИГАНОВ:

— Бутуниттифоқ тўртинчи бадиий лотереясига фақат бизнинг республикамиздан рассомларнинг 200, график рассомларнинг 230 дан кўпроқ ва халқ амалий санъати усталарининг 170 дан ортиқ асари қабул қилинди. Булар орасида Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедов, ўз асарлари билан фақат бизнинг республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимизда, ҳатто чет элларда ҳам машҳур бўлган республика халқ рассоми Лутфилла Абдуллаев, Неъмат Қўзибоев, Константин Чепраков, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Рашид Темуров, Зокир Иноғомов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Рўзи Чорнев, рассомлардан И. Енин, К. Богодухов, З. Бурмакин, В. Зеликов, Ю. Талдикин, А. Перов, Б. Брянских, Б. Котлов, акварел устаси М. Шеровский, дикограворчи А. Ошейколарнинг асарлари бор.

Тақдим этилган асарларнинг кўп қисмини ганчдан ясалган буюмлар ташкил қилади. Ўзбекистон халқ рассоми М. Раҳимов Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Т. Аҳмедов, халқ устаси А. Мухторов, А. Аминовларнинг бундай асарлари жуда кўпдир. Лаган, ликопча, коса ва пиёлалардан иборат бу буюмларда миллий колорит акс этиб турибди.

Юқорида номлари кўрсатилган асарларнинг ҳаммаси учун бир нарса характерлики, уларнинг авторлари ўзбек халқининг миллий колоритини, қаҳрамонлик тарихини, меҳнатини, бугунги фаровон турмушини аниқ ва ёрқин кўрсатишга муваффақ бўлганлар.

Ўзбекистон бадиий фондининг директори К. Ф. ЗАИЧЕНКО:

— Мазкур лотереяларни тарқатиш бизнинг ҳам муҳим вазифаларимиздан биридир. «Рассом» комбинати, керамика заводи, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Қўқон, Урганч каби шаҳарлардан тасвирий санъат асарлари билан савдо-сотиқ қилувчи магазинларда ушбу лотереяларнинг 270 минг билетини тарқатиш вазифаси бизга юклатилган. Бу олижаноб ишда бизга юқорида номлари зикр этилган ташкилотлардан ташқари бошқа коллективлар ҳам яқиндан ёрдам бераётирлар.

Айни шу кунларда Бутуниттифоқ бадиий лотереяси дирекциясининг номига лотерея билетларини реализация қилиш қандай бораётганлиги ҳақида маълумотлар тез-тез келиб турибди.

Лотереяни кенг пропаганда қилишда Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг эълонлар бўлимлари ҳамда матбуот органлари, радио ва телевидение бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Ишонамизки, бадиий лотереяни реализация қилиш қисқа муддатда муваффақиятли якунланади. Декабрь ойининг бошларида эса лотереяниг таблицаси эълон қилинганида ким қандай ютуққа эга бўлганлигини биламиз. Ўз лотереясига ютуқ чиққан кишилар рассомлар асарларидан намуналар, туристик поездларга йўлланма, хонадон учун мебеллар олишлари мумкин. Бу совет тасвирий санъат усталарининг халқ билан ҳамкорлиги, уларга сидқидилдан хизмат қилаётганлигининг яна бир ёрқин намунаси бўлади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Узбекистон Компартияси Марказий комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р—14642. ИНДЕКС 64697. А—1868.